

Президент Шавкат Мирзиёев Туркменистонга жўнаб кетди



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 28 ноябрь куни тонгда Ашхобод шаҳрига жўнаб кетди. У ерда давлатимиз раҳбари Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг таклифига биноан Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг навбатдаги саммитида иштирок этади.

Тадбир кун тартибидан савдо, инвестициялар, "яшил" иқтисодиёт ва инновациялар, рақамли технологиялар, транспорт, логистика, туризм ва бошқа устувор йўналишларда кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари ўрин олган.

Туркменистон пойтахтига ташриф доирасида давлатимиз раҳбари қатор икки томонлама учрашувлар ҳам ўтказди.



Манба